

“ТАСДИҚЛАЙМАН”

Ижтимоий-меҳнат масалалари
бўйича уч томонлама комиссия раиси
Н.Хусанов
2021 йил 9 сентябрь

**Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия
мажлисининг 6 -сонли
БАЁННОМАСИ**

2021 йил 9 сентябрь

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва
меҳнат муносабатлари вазирлигининг
мажлислар зали

Раислик қилувчи:	- Н.Хусанов	- Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири, комиссия раиси
Иштирок этганлар:		- Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия аъзолари (рўйхат бўйича)
Таклиф этилганлар:	- Йонас Аструп - Оксана Липкану - Қ.Мукумов Ш.Ганиев	Халқаро меҳнат ташкилотининг “Учинчи томон мониторинги лойиҳаси” вакиллари Олий Мажлис Сенатининг халқ депутатлари маҳаллий кенгашлари фаолиятга кўмаклашиш, одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш бўлими мудирини - Ҳуқуқ ҳимоячиси

КУН ТАРТИБИ:

I. “2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича Тавсиялар” ҳамда “Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторинглар ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом” ҳақида

(Н.Хусанов, Б.Махмадалиев, Н.Якубов, Қ.Мукумов, Э.Маргиашвили, М.Исаев, Қ.Одинаев ва бошқалар)

“Жорий йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар тўғрисида”ги масалалар юзасидан 2021 йил 30 август куни

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг йиғилиши бўлиб ўтди ва 2021 йил 30 августдаги 153 - сон йиғилиш баёни ва баёнга иловалар тасдиқланди.

Мажлисида иштирок этаётган комиссия аъзолари томонидан мазкур Баёнга қўшимча равишда “2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни миллий ва халқаро меҳнат стандартларига амал қилган ҳолда янада самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган Тавсиялар” ҳамда Миллий маърузачи томонидан 2020 йилда одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш соҳасида амалга оширилган ишлар юзасидан тайёрланган ахборотда билдирилган таклифларни ҳамда халқаро ташкилотларнинг тавсияларини амалиётга татбиқ этиш бўйича “Йўл харитаси”нинг 6-банди ижросини таъминлаш бўйича Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ипакчилик, қурилиш ва умумий овқатланиш, тикув-тўқимачилик соҳаларидаги корхоналарда мажбурий меҳнат, шу билан бирга, меҳнат қонунчилиги қоидаларига амал қилиниши, муносиб меҳнат шароитларини яратиш билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш юзасидан мониторинг ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган “Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторинглар ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом” лойиҳалари муҳокама қилинди.

Билдирилган таклифлар юзасидан Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазири Н.Хусанов ва Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси раиси ўринбосари Б.Махмадалиевлар сўзга чиқиб ушбу Тавсиялар ва вақтинчалик Низом лойиҳаларини маъқулладилар.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия қарор қилади:**

1. 2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни миллий ва халқаро меҳнат стандартларига амал қилган ҳолда янада самарали ташкил этишга кўмаклашиш мақсадида ишлаб чиқилган “2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича Тавсиялар” 1-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

2. Халқаро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда ипакчилик, қурилиш ва умумий овқатланиш, тикув-тўқимачилик соҳаларидаги корхоналарда мажбурий меҳнат, шу билан бирга, меҳнат қонунчилиги қоидаларига амал қилиниши, муносиб меҳнат шароитларини яратиш билан боғлиқ муаммоларини аниқлаш юзасидан мониторинг ўтказиш тартибини белгилаш мақсадида ишлаб чиқилган “Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторинглар ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик Низом” 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

II. 2021 йил пахта йиғим-терими мавсумида терилган пахта учун ҳақ тўлашнинг минимал миқдорини белгилаш ҳақида

(Н.Хусанов, Б.Махмадалиев, Н.Якубов, Қ.Мукумов, Э.Маргиашвили, М.Исаев, Қ.Одинаев ва бошқалар)

Йилдан йилга қўлда терилган пахта учун ҳақ тўлаш миқдори сезиларли даражада оширилиб келинмоқда ва бу ўз навбатида кўнгилли равишда теримда иштирок этувчиларнинг кўпайишига, мажбурий меҳнатнинг эса бартараф этилишига кўмаклашмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси, Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши ва Ўзбекистон Иш берувчилари конфедерацияси ўртасида ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича 2020-2022 йиллар учун қабул қилинган Бош келишувнинг 19-бандида “Хукумат, иш берувчилар ташкилотлари ва қасаба уюшмалари ўртасида меҳнатга ҳақ тўлашнинг энг кам миқдорини белгилаш бўйича уч томонлама маслаҳатлашувлар ўтказиш тизимини йўлга қўйиш” белгиланган.

Шунингдек, Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг 2021 йил 18 августда бўлиб ўтган навбатдаги йиғилишида Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссияга жорий йилда терилган пахта учун ҳақ тўлашнинг минимал миқдорини белгилаш бўйича таклифлар ишлаб чиқиш ва Вазирлар Маҳкамасига киритиш вазифаси қўйилган эди.

Комиссия аъзолари томонидан кун тартибидаги масала юзасидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда пахта йиғим-терими давомида жорий йилда терилган пахта учун ҳақ тўлашнинг минимал миқдорини белгилаш бўйича таклифлар муҳокама қилинди.

Комиссия аъзолари томонидан билдирилган фикр ва мулоҳазалар ҳамда таклифларни инобатга олиб **Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия қарор қилади:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жорий йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар тўғрисида”ги йиғилиш баёни лойиҳасида белгиланган жорий йилда терилган пахта учун ҳақ тўлашнинг минимал қиймати уч томонлама комиссия таркибига кирувчи ижтимоий шериклар томонидан келишиб берилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда 2021 йил пахта ҳосилини йиғиб-териб олишда:


- қўлда терилган 1 килограмм пахта хомашёси учун **1- теримда – 1 200, 2-теримда – 1 500 сўмдан** кам бўлмаган миқдорда меҳнат ҳақи тўлашга;

- Жиззах, Сирдарё ва Тошкент вилоятларининг барча туманларида ҳамда Қорақалпоғистон Республикасининг Қонликўл, Қораўзак, Кегейли, Қўнғирот, Тахтақўпир, Хўжайли, Шуманай, Чимбой ва Нукус туманлари,

Қашқадарё вилоятининг Косон, Муборак, Миришкор, Нишон, Касби, Қарши туманларида, шунингдек Сурхондарё вилоятининг Қизирик, Бандихон, Музработ ва Шеробод туманларида қўлда терилган 1 килограмм пахта хомашёси учун ўрнатилган меҳнат ҳақиға **230 сўмдан кам бўлмаган** миқдорида устама белгиланишиға розилик берилсин.

2. Ушбу баённома Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича уч томонлама комиссия аъзоларига, манфаатдор вазирлик ва ташкилотларға, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига юборилсин.

Мажлис райси




Н.Хусанов

Мажлис котиби



Г.Ниязметова



**2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан
йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича
ТАВСИЯЛАР**

1. Мазкур “2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил этиш бўйича тавсиялар (кейинги ўринларда Тавсиялар деб аталади) Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Жорий йилги пахта ҳосилини уюшқоқлик билан нес-нобуд қилмасдан ўз вақтида ва сифатли йиғиб-териб олиш бўйича кечиктириб бўлмайдиган вазифалар тўғрисида”ги 2021 йил 30 августдаги 153 - сон йиғилиш баёни ва баёнга иловаларга қўшимча равишда пахта ҳосилини ихтиёрийлик асосида йиғиб-териб олишни ташкил этишда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик механизмларини белгилайди.

2. Мазкур Тавсияларда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

терим отряди – пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш мақсадида кўнгилли теримчилар томонидан ташкил этилган бирлашган жамоа;

терим отряди раҳбари – пахта ҳосилини йиғиб-териб олиш бўйича ихтиёрий теримчилар томонидан ташкил этилган жамоа бошлиғи;

теримчилар – пахта ҳосилини қўл терими асосида йиғиб-теришда бевосита ихтиёрий асосда қатнашувчи шахслар, хусусан:

фермер хўжаликлари, пахта-тўқимачилик кластерлари ва кооперациялар (кейинги ўринларда – пахта етиштирувчи хўжаликлар) ходимлари;

кўнгилли, 18 ёшдан катта, муайян меҳнат билан банд бўлмаган ишга лаёқатли вақтинча ишсиз, айрим ҳолларда меҳнат ресурслари етмаган ҳудудга бошқа ҳудудлардан келиб ҳақ эвазига теримда иштирок этиш истагини билдирган жисмоний шахслар;

оммавий оферта – шартноманинг барча асосий шартларини ўз ичига олган, пахта етиштирувчи хўжаликлар, меҳнат органлари ва хусусий бандлик агентликларининг жавоб қайтарган ҳар қандай шахс билан таклифда кўрсатилган шартлар асосида пахта хомашёсини йиғиб-териб олиш бўйича шартнома тузишга бўлган хоҳиш-иродаси билиниб турган таклиф;

пахта терими маркази – пахта теримини уюшқоқлик билан олиб борилишини ташкил этувчи, пахта етиштирувчи хўжаликларга ҳамда теримчиларга кўмаклашувчи, вақтинчалик фаолият олиб борувчи марказ.

3. Фермер хўжаликлари томонидан эълон қилинган оммавий оферта асосида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари меҳнат органлари ва хусусий бандлик агентликлари билан биргаликда теримчилар руйхатини

шакллантирадилар.

4. Теримчиларнинг меҳнат шароитлари, уларга меҳнат ҳақини ўз вақтида ва тўлиқ тўланиши, санитария, маиший шароитлар яратилиши ҳамда меҳнат ҳуқуқи ва муҳофазасининг таъминланиши устидан меҳнат органлари давлат назоратини, касаба уюшмалари жамоат назоратини амалга оширади.

5. Терим мавсумида теримчилар хавфсизлиги, транспорт ҳаракати, ёнғин хавфсизлиги, жамоат тартибини сақлаш ишлари ички ишлар органлари томонидан, теримда иштирок этувчиларнинг соғлигини муҳофаза қилиш, дори-дармон таъминоти тиббиёт бирлашмалари томонидан ҳамда санитария-гигиена талабларига риоя этилишини таъминлаш Давлат санитария осойишталиги органлари томонидан амалга оширилади.

Терим отрядларини тузиш ва теримчилар жамоасини шакллантириш

6. Терим отряди раҳбарлигига номзодлар аҳоли орасида обрў-эътиборга, иш тажрибасига ва ташкилотчилик қобилиятига эга маҳалла фаоллари орасидан сайланади ва 1-иловага мувофиқ расмийлаштирилади.

7. Мулкчилик шакли ва идоравий буйсинуvidан қатъий (фермер хўжаликлари бундан мустасно) назар корхона, ташкилот ва муассасаларда ишлайдиган ходимларнинг асосий иш вақтида пахта йиғим-терим ишларига жалб этиш қатъиян таъқиқланади.

Терим отрядлари фаолиятини ташкил этиш

8. Терим отряди раҳбарларига ҳудудларда ташкил этиладиган семинар-тренингларда тегишли йўриқномалар берилади. Бунда уларга теримни самарали ташкил этиш, меҳнат ҳуқуқ, хавфсизлик техникаси, мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатида фойдаланиш ҳолатларини олдини олиш бўйича тушунтиришлар берилади.

9. Терим отрядлари, шунингдек, фермер хўжаликлари томонидан пахта йиғим-терими ишларига теримчиларни жалб қилишда Ўзбекистон Республикаси қонунлари, халқаро шартномалари, шу жумладан Халқаро меҳнат ташкилотининг “Болалар меҳнатининг оғир шакллари таъқиқлаш ва йўқ қилишга доир шошилинч чоралар тўғрисида”ги ва “Зўрлаб ишлатиш ёки мажбурий меҳнат тўғрисида”ги конвенциялари талабларига қатъий риоя қилиниши талаб этилади.

10. Теримда қатнашадиган терим отрядлари учун 4-иловада келтирилган меҳнат шароитларининг минимал меъёрлари ётоқ жой ажратадиган корхоналар, ташкилотлар шунингдек, хонадон эгалари билан келишувга кўра пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва фермер хўжаликлари томонидан таъминланади.

11. Бунда, фаолият кўрсатаётган таълим ва соғлиқни сақлаш муассасалари объектларидан ётоқ жойлари сифатида фойдаланиш қатъиян ман қилинади.

12. Отряд аъзолари Халқаро меҳнат ташкилотининг “Бирлашмалар эркинлиги ва қасаба уюшмаларига бирлашиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги 87-Конвенцияси ҳамда Ўзбекистон Республикасининг “Қасаба уюшмалари тўғрисида”ги Қонунига мувофиқ отряд қасаба уюшмаси ташкилотини тузиш, отряд қасаба уюшмаси ташкилотчисини сайлаш ва Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси туман кенгашига аъзо бўлиб кириш ҳуқуқидан фойдаланишлари мумкин.

Ушбу ҳуқуқни рўёбга чиқариш мазкур Тавсияларнинг 5- ва 6-иловаларига намунавий ҳужжатлар асосида амалга оширилади.

Терим отряди раҳбарининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари

13. Терим отряди раҳбари:

хўжалиқдан пахта даласининг теримга олдиндан тайёрлашни, узоқ масофада жойлашган пахта далаларига теримчиларни ташиш учун транспорт воситалари етказиб берилишини таъминлашни;

терилган пахта ҳосилини ташиш бўйича техника ва тиркамаларни узлуксиз ишини ташкил қилишни талаб қилиш;

теримчилардан пахта ҳосилининг тоза ва сифатли терилишини талаб қилиш;

тузилган шартномаларга мувофиқ белгиланган мажбуриятлар бажарилмаган тақдирда ваколатли органлар ёки судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

14. Терим отряди раҳбарининг мажбуриятлари:

зарур ҳолларда терим отряди номидан тегишли ишончнома (2-илова) асосида туман фермер, деҳқон хўжалиқлари ва томорқа ер эгалари Кенгаши (ёки пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар) билан хўжалиқларда етиштирилган пахта ҳосилини ҳақ эвазига териб бериш юзасидан 3-иловага мувофиқ шартнома тузади;

хўжалиқлар раҳбарлари билан биргаликда териладиган пахта майдонларини ҳисоб-китоб қилиб, пахтанинг очилишига қараб, териладиган майдонлар дислокациясини ишлаб чиқади;

терим отрядига бириктирилган тиббий ходимда биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш дори-дармонлари ва тиббий воситалар билан жиҳозланганлигини ўрганади ва бу ходимнинг терим мавсуми давомида отряд билан доимий бирга бўлишини назорат қилади;

терим отрядидаги теримчиларга етарли даражада этак, тарози, иссиқ овқат учун озиқ-овқат маҳсулотлари, ўчоқ-қозон, самовар билан таъминланишини ташкил қилади;

терим мавсумида ҳар куни терилган пахта ҳосилини ҳисоб-китоб қилади, пахта қабул қилиш пунктига топшириш учун хўжалик вакили билан биргаликда боради;

терим отряди таркибидаги ҳар бир теримчининг меҳнат ҳуқуқига риоя этилишини, хавфсизлигини, озиқ-овқат таъминотини доимий назоратини олиб боради;

пахта ҳосилининг тоза ва сифатли терилишини таъминлайди.

Терим отрядининг раҳбари қонунчиликда назарда тутилган бошқа ҳуқуқ ва мажбуриятларга ҳам эгадир.

Яқуний қоидалар

15. Ижтимоий-меҳнат масалалари бўйича республика уч томонлама комиссиясига, зарурият туғилганда, мазкур тартибга ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш ҳуқуқи берилади.

2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан
уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил
этиш бўйича Тавсияларга
1-илова

**Кўнгилли теримчилар жамоасининг йиғилиш
БАЁНИ**

2021 йил « ___ » _____ № ___ _____ ш. (т.)

Йиғилишда иштирок этаётган аҳоли сони – _____ нафар (*рўйхат илова қилинади*)

Раислик қилувчи: _____

КУН ТАРТИБИ:

1. Пахта йиғим-терим мавсумида ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шарти билан кўмаклашишда аҳолининг иштироки тўғрисида.

Эшитилди: Кун тартибидаги масала юзасидан, йиғилиш иштирокчилари ўз фикр ва мулоҳазаларини билдириб ўтишди. Хусусан, муҳокама жараёнида пахта йиғим-терим мавсумида ҳосилни нес-нобуд қилмасдан йиғиб олишга кўмаклашиш жараёни аҳоли даромадларини кўпайтириш учун ҳам хизмат қилиши таъкидланди.

Шунингдек, пахта ҳосилини йиғиб олишда иштирок этиш юзасидан ихтиёрий жамоа (отряд) шакллантириш таклиф этилиб, унга раҳбар сифатида _____ номзоди кўрсатилди.

Шундан сўнг, юқоридаги масалалар йиғилиш иштирокчилари овозига қўйилди. Овоз бериш натижалари қуйидагича бўлди:

Ёқлаб _____ та овоз;

Қарши _____ та овоз;

Бетараф _____ та овоз.

Кўнгилли теримчилар жамоаси (отряди) раҳбарига жамоа аъзолари номидан пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва фермер хўжаликлари ёки уларнинг вакиллари билан тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини имзолаш ваколатини бериш таклифи киритилиб, бир овоздан маъқулланди. Мазкур таклифга номзоднинг ўзи қаршилик билдирмади.

Қарор қилинди:

1. Кўнгилли теримчилар жамоаси (отряди) раҳбари этиб _____ сайлансин.

2. _____ га кўнгилли теримчилар жамоаси (отряди) аъзолари номидан пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва фермер хўжаликлари ёки уларнинг вакиллари билан тузиладиган ҳақ эвазига хизмат кўрсатиш шартномаларини имзолаш ваколати берилсин.

Бунда жамоа (отряд) аъзосининг шартнома доирасида мажбуриятларини бажаришдан исталган вақтда бир томонлама воз кечиш ҳуқуқи назарда тутилсин.

3. Фуқароларни мажбурий ва зўраки меҳнатга, шунингдек вояга етмаган шахсларни меҳнатнинг тақиқланган шаклларига жалб этишга йўл қўймасликни назорат қилиш вазифаси уюлмаган аҳоли жамоаси (отряди) раҳбари зиммасига юклансин.

Раислик қилувчи

(фамилия, исм, шарифи)

Котиб

(фамилия, исм, шарифи)

2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд қилмасдан
уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил
этиш бўйича Тавсияларга
2-илова

И Ш О Н Ч Н О М А

_____ тумани (шаҳри)

2021 йил «__» _____

Ушбу ишончнома орқали қуйида рўйхати келтирилган _____ вилояти
_____ туманида фаолият юритувчи фермер хўжаликлари _____ туман
фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгалари кенгашига фермер хўжалиги номидан
қуйидаги ҳаракатларни амалга оширишга ваколат беради:

амалдаги қонун талабларига риоя этиш шarti билан фермер хўжалиги номидан 2021
йил пахта терими мавсумида теримчиларни жалб этиш юзасидан шартнома тузиш;

шартнома доирасида теримчилар жамоасига кўрсатмалар бериш;

ушбу шартномани бажариш билан боғлиқ барча зарур ҳаракатларни амалга ошириш.

Ушбу ишончнома ваколатларни бошқа шахсга ўтказиш ҳуқуқисиз 3 ой муддатга
берилди.

Ишончнома имзоланган кундан кучга киради.

№	Фермер хўжалигининг номи	Тўлиқ юридик манзили	Фермер хўжалиги раҳбарининг Ф.И.Ш.	Фермер хўжалиги раҳбари имзоси ва муҳри
1				
....				
....				
...				

2021 йил пахта ҳосилини нес-нобудқилмасдан
уюшқоқлик билан йиғиб-териб олишни ташкил
этиш бўйича Тавсияларга
3-илова

_____ - терим отряди билан _____ туман фермер, деҳқон хўжаликлари
ва томорқа ер эгалари Кенгаши (ёки пахта-тўқимачилик кластерлари,
кооперациялар) ўртасида ҳақ эвазига пахта ҳосилини териб бериш бўйича _____
сонли

ШАРТНОМА

2021 йил “___” _____ тумани

_____ туманидаги _____

(Кенгашининг номи)

(бундан буён “Буюртмачи” деб юритилади) номидан _____ йил “___” _____ даги
_____ - сонли ишончнома асосида фаолият кўрсатувчи раҳбари
_____ бир тарафдан ва _____-сонли терим
отряди (бундан буён “Терим отряди” деб юритилади) номидан Терим отрядининг 2021 йил _____
кундаги йиғилиш қарорига асосан ҳаракат қилувчи отряд раҳбари
_____ иккинчи тарафдан ушбу шартномани
қуйидагилар ҳақида туздилар:

I. ШАРТНОМАНИНГ ПРЕДМЕТИ

1.1. Шартнома шартларига кўра “Терим отряди” “Буюртмачи” белгилаб берган пахта
етиштирилган ер учаскасида пахта ҳосилини қўл терими асосида сифатли териб бериш,
“Буюртмачи” эса бу хизмат учун ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ҲУҚУҚ ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. “Буюртмачи”нинг ҳуқуқлари:

белгилаб берилган пахта етиштирилган ер учаскасида теримнинг сифатли ташкил
этилиши ва ҳосилнинг териб топширилишини;

шартномага мувофиқ “Терим отряди”дан қонун талабларига риоя этилиши, хусусан,
мажбурий меҳнат ва вояга етмаганлар меҳнатининг тақиқланган шаклларида жалб этмаслик
бўйича қонун талабларига риоя этилишини;

терим пули тарқатилгандан сўнг теримчилар томонидан имзоланган рўйхат
(ведомость)нинг бир нусхасини тақдим этилишини талаб этиш.

2.2. “Буюртмачи”нинг мажбуриятлари:

пахта теримига жалб этилиши мумкин бўлган ер участкаси ҳақида “Терим отряди”ни
хабардор қилиш;

“Терим отряди” учун тарози, ўчоқ-қозон, самовар ва бошқа инвентарлар, муносиб
меҳнат шароитларини санитар нормалар доирасида таъминлаш ва озик-овқат масаласини
келишилган ҳолда ҳал этиш;

“Терим отряди” томонидан терилган пахта ҳосилини ўз вақтида қабул қилиб олинишини таъминлаш;

терилган пахта ҳосилини юклаш учун “Терим отряди”ни тиркамалар билан таъминлаш;

“Терим отряди” томонидан терилган пахта ҳосили ҳажми тўғрисидаги маълумотларни отряд раҳбарига тақдим этиш;

териб топширилган пахта ҳосили учун белгиланган миқдорда ва муддатларда ҳар куни (кечи билан беш кундан ошмайдиган муддатда) терим пулининг тўланишини таъминлаш.

2.3. “Терим отряди”нинг ҳуқуқлари:

пахта теримига жалб этилиши мумкин бўлган ер участкаси ҳақида ўзини қизиқтирган маълумотларни олиш;

“Терим отряди” томонидан терилган пахта ҳосилини ўз вақтида қабул қилиб олинишини;

Терим учун зарур бўлган инвентарлар билан таъминлашни;

терилган пахта ҳосилини юклаш учун “Терим отряди”ни тиркамалар билан таъминлашни;

терилган пахта ҳосили ҳажми тўғрисидаги маълумотларни тақдим этишни;

териб топширилган пахта ҳосили учун белгиланган миқдорда ва муддатларда ҳар куни (кечи билан беш кундан ошмайдиган муддатда) терим пулининг тўланишини таъминлашни талаб қилиш.

2.4. “Терим отряди”нинг мажбуриятлари:

“Буюртмачи” томонидан белгилаб берилган Фермер хўжалигининг пахта етиштирилган ер участкасида теримнинг сифатли ташкил этилиши ва ҳосилнинг териб топширилишини;

шартномага мувофиқ қонун талабларига риоя этилиши, хусусан, мажбурий меҳнат ва вояга етмаганлар меҳнатининг тақиқланган шакллариغا жалб этмаслик бўйича қонун талабларига риоя этилишини;

терим пули тарқатилгандан сўнг теримчилар томонидан имзоланган рўйхат (ведомость)нинг бир нусхасини Буюртмачига тақдим этилишини таъминлаш.

III. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ. ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. Мажбуриятлар мазкур шартнома шартлари ва қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ зарур тарзда бажарилиши керак.

3.2. Агар тарафлар ўз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

3.3. Терим ҳақини тўлаш тегишли норматив-ҳуқуқий ҳужжат асосида ҳар бир килограмм учун:

Биринчи теримда _____ (_____) сўм;
сумма сўз билан ёзилади/

Иккинчи теримда _____ (_____) сўммиқдориданақд пул шаклида
сумма сўз билан ёзилади/

тўлаб берилади.

IV. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

4.1. “Буюртмачи” “Терим отряди”ни пахта экин майдони билан таъминламаганлиги, терилган пахта хом-ашёсини қабул қилмаганлиги ва ўз вақтида ҳақ тўламаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

4.2. “Терим отряди” ўзига боғлиқ бўлган сабабларга кўра, ўз зиммасидаги мажбуриятини бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ жавобгар бўлади.

4.3. Ҳар қандай ҳолатда ҳам Буюртмачининг фуқаролик жавобгарлиги Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик кодексига биноан ҳал этилади.

4.4. Тарафлардан ҳеч бири иккинчи тарафнинг учинчи шахслар олдидаги мажбуриятлари бўйича жавобгар ҳисобланмайди.

V. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Тарафлар ўртасида вужудга келадиган ҳар қандай низолар ўзаро келишув йўли билан мазкур шартномада белгиланган тартибда ҳал этилади.

4.2. Ўзаро келишувга эришилмаган ёки ҳал этилиши мазкур шартномада белгиланмаган ҳолларда низо Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ ҳал этилади.

VI. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

5.1. Шартнома бир хил юридик кучга эга бўлган икки нусхада тузилди.

5.2. Шартномага киритиладиган қўшимча ва ўзгартиришлар тарафларнинг келишуви билан ёзма шаклда амалга оширилади.

5.3. Шартнома тарафлардан бирининг ташаббуси билан иккинчи тарафни олдиндан огоҳлантириш шартсиз бекор қилиниши мумкин.

Терим отрядининг теримчиси ўзининг индивидуал мажбуриятларидан исталган вақтда бир томонлама воз кечишга ҳақли.

5.4. Шартнома тарафлар томонидан имзоланган пайтдан кучга киради ва мажбуриятларнинг тўлиқ бажарилгунига ёки у бекор қилингунга қадар амал қилади.

Тарафлар ўзаро келишувига кўра, шартномада бошқа шартларни ҳам назарда тутишлари мумкин.

VII. ТАРАФЛАРНИНГ РЕКВИЗИТЛАРИ:

“Буюртмачи”

“Терим отряди”

ИМЗОЛАР

Буюртмачи _____

«Терим отряди» раҳбари _____

ТЕРИМЧИЛАР УЧУН МЕҲНАТ ШАРОИТЛАРИНИНГ МИНИМАЛ МЕЪЁРЛАРИ

I. Санитария-гигиена талаблари:

1. Теримчиларнинг тиббий кўриқдан ўтказилишини таъминлаш.
2. Пахта теримига жалб этилаётганлар учун қурилиши, санитария-гигиена ҳолати яхши бўлган ётоқхона биносини ажратиш. Ётоқхонанинг талаб даражасида ёритилиши, шамоллатилиши, ҳарорати сақлаб турилиши (иситилиши)га аҳамият бериш.
3. Теримчилар жойлаштирилишидан бир ҳафта олдин ҳудудий дезинфекция станциялари томонидан фермер хўжаликлари билан тузилган шартнома асосида ётоқхоналарда дезинфекция, дезинсекция ва дератизация тадбирларини ўтказиш.
4. Ётоқхонанинг эшик ва ойналари яхши ёпилиши, ойналарнинг форточкалари бўлиши, поли, шипи, деворлари текис, ёриқсиз бўлиши, кириш жойлари (зинапоялари) талаб даражасида бўлишига эътибор қаратиш.
5. 15 нафар теримчига 1 та душ сеткаси тўғри келадиган душ хоналари ташкил этиш ва кейинчалик уларнинг санитария-техника жиҳозлари созлигини сақлаб (таъмирлаб) туриш.
6. Душ хоналари ташкил этилмаган ҳолда ётоқхонага яқин бўлган ҳаммомда теримчиларнинг график асосида чўмилишини ташкил этиш.
7. 10 нафар теримчига 1 та умивальник тўғри келадиган қўл ва оёқларни ювиш жойини ташкил этиш ва кейинчалик уларнинг санитария-техника жиҳозлари созлигини сақлаб (таъмирлаб) туриш.
8. Ётоқхонага 15 нафар ва ундан ортиқ аёл жойлаштирилганда аёллар гигиенаси хонасини ташкил этиш.
9. Ётоқхонадан 30-50 метр масофада аёллар ва эркаклар учун 10 нафар теримчига 1 та ўрин ҳисобида алоҳида хожатхоналар ташкил этиш, уларнинг санитария ҳолатини текшириб бориш, хлорли оҳак эритмаси ёки хлорамин билан ювиб туриш.
10. Оқава сувлар учун ариқчалар очиш ва оқава сувларни ётоқхона ҳудудидан ташқарига, яъни ҳудудий санитария назорати органлари рухсати билан очилган ўраларга ёки канализация қудуғига чиқариб юбориш;
ётоқ жойлардан 25 метр узоқликда кундалик ҳосил бўладиган маиший чиқиндилар ва озиқ-овқат қолдиқлари учун махсус хандак қазиб, ҳар куни солинган чиқиндилар устини тупроқ билан кўмиб туриш.

11. Ичимлик суви билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш. Ичимлик суви четдан олиб келинадиган бўлса, сувни сақлаш сиғими яхши ўрнатилганлиги ва жўмраги яхши ишлашига эътибор бериш.

12. Ошхонанинг санитария-гигиена ҳолати талаб даражасида бўлишини таъминлаш.

13. Ошхонани хавфсизлик техникаси талабларига жавоб берадиган зарур асбоб-ускуналар билан жиҳозлаш. Овқат хона ичида тайёрланаётганида, хонани шамоллатишни назарда тутиш.

14. Тез бузиладиган озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун ошхонага музлатгич ўрнатиш.

15. Пахта теримига жалб этилганларнинг овқатланиш жойини ташкил этиш ва санитария ҳолатига аҳамият бериш.

16. Овқатланиш жойларини бино ичи ёки бостирмада ташкил қилиш, стол ва стуллар билан тўлиқ таъминлаш ҳамда озиқ-овқат маҳсулотларини сақлаш учун махсус хоналар ажратиш.

17. Овқатланиш жойи яхши ёритилган бўлиши, тоза ичимлик суви ва идиш-товоқларни ювиш учун иссиқ сув ҳамда ювиш ва зарарсизлантириш воситалари билан таъминланган бўлишига эришиш.

18. Ҳар бир теримчини 2-5 л қайнатилган кунлик ичимлик суви ва ҳар кунги иссиқ овқат билан таъминлаш.

19. Терим иштирокчиларининг даладаги кўлмак, зовур, ариқлардан сув ичишларини ман этиш.

20. Терим иштирокчилари соғлиғини назорат қилиб бориш мақсадида ётоқхонада тиббий пункт ташкил этиб, зарур дори-дармонлар билан таъминлаш ва малакали шифокорларни бириктириш;

етказиб берилган дори-дармон учун “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги пахта тозалаш корхоналари ҳамда пахта тўқимачилик корхоналари томонидан белгиланган тартибда тўлаб бериш.

21. Далада чанг, тўзон, қаттиқ шамол, ёғингарчилик рўй берганида теримчилар ишни тўхатиб пана жойга ўтишини ташкил этиш.

II. Хавфсизлик талаблари:

1. Пахта теримига жалб этилаётганларни хавфсизлик техникаси ва ёнғин хавфсизлиги бўйича йўриқдан ўтказиш.

2. Бино деворлари ва бошқа жойларида электр ўтказгич (сим)лар юзага чиқиб қолмаслиги, улар изоляциясининг ёрилган жойлари бўлмаслиги, розетка ва ўчиргичлар яхши ҳимояланган ва соз ҳолатда бўлишини текшириш.

3. Биноларда очик спиралли ва қўлбола электр қурилмаларидан фойдаланишни тақиқлаш.

4. Ётоқхона ёнида бирламчи ўт ўчириш воситалари билан жиҳозланган ёнғин шитини ўрнатиш.

5. Электр энергияси билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш. Теримчиларни жалб қилишдан олдин электр хўжалигини ревизиядан ўтказиш. Электр симларининг изоляциясини текшириш. Электр симларини полдан 2,5 метрдан паст бўлмаган баландликда ўтказиш.

6. Ёритиш воситаларини таъмирлаш ва унинг ички элементларини кўздан кечириш, яроқсиз ҳолга келган электр чироқлари ва ҳимоя шишаларини алмаштириш ишларини электр тизими тармоғи ўчирилган ҳолда бажариш. Кўчма ёритиш воситаларини ишлатишда изоляцияси резина шлангли эгилувчан ўтказгичдан фойдаланиш. Ёритиш воситаларини тоза ва соз ҳолатда сақлаш.

7. Электр билан боғлиқ ишларни, шунингдек ёритиш воситаларини назорат қилиш ва таъмирлаш ишларини мазкур ишларни бажаришга масъул бўлган ходимлар томонидан амалга оширилишини таъминлаш.

8. Табiiй газ (ёки ўтин, кўмир) билан узлуксиз таъминлаш чораларини кўриш. Газ плиталарининг созилигига эътибор қаратиш. Табiiй газ бўлмаган жойларда ўтин, кўмир захираларини олдиндан тайёрлаб қўйиш.

9. Теримчиларни далага олиб чиқиш ва олиб келишни фақат куннинг ёруғ пайтида амалга ошириш, ходимлар пиёда ҳаракатланганида транспорт воситалари ҳаракатига ҳалақит бермаслик мақсадида саф бўлиб юришларини кузатиб бориш.

10. Далага етиб келгандан сўнг теримчиларни иш жойларига тақсимлаш.

11. Теримчиларни узоқроқ (5 км дан ортиқ масофадаги) далага олиб бориш ва даладан олиб келишда фақат одамларни ташиш учун мўлжалланган автотранспорт воситаларидан фойдаланиш.

12. Теримчилар транспорт воситасидан тушганларида, йўлни кесиб ўтишларини раҳбар бошчилигида, транспорт воситасининг орқа томонидан ўтишларини ташкил қилиш.

13. Теримчиларни ташиш учун мўлжалланган автомашиналарнинг техник созилиги ва ҳайдовчиларнинг “Д” категорияли гувоҳномага эга бўлишига алоҳида эътибор қаратиш.

14. Теримчиларнинг бошида кепка бўлиши, эгнида узун енгли кўйлак бўлиши ва энг учи тақилган бўлиши, оёғида ботинка (туфли) ёки этик бўлишини назоратга олиш.

15. Пахта ортиладиган трактор тиркамаларининг соз ҳолда бўлишига эришиш.

16. Теримчиларнинг трактор тиркамаларига чиқиши, трактор юраётганида тиркамага осилишини ман этиш.

17. Теримчиларнинг пахта даласи ичида ухлаб қолиши, овқатланиши ҳолатларига йўл қўйилмаслигини назоратга олиш.

18. Теримчиларнинг пахта терилаётган майдонда ҳаракатланаётган механизмларга яқинлашиши, унинг йўналишига чиқиши ҳолатларининг олдини олиш.

19. Терим иштирокчиларининг ёнғин хавфсизлиги қоидаларига сўзсиз амал қилишини таъминлаш.

20. Пахта теримига жалб этилганларни иш жойидан ЙПХ кузатувида олиб чиқиш ва қайтариб келишни ташкиллаштириш.

2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд
қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб
олишни ташкил этиш бўйича Тавсияларга
5-илова

_____ -отряд аъзоларининг умумий йиғилиши

Б А Ё Н И

2021 йил «___» _____ № _____ ш. (т.)

Отряд аъзолари сони - _____ нафар
Йиғилишда иштирок этаётганлар сони - _____ нафар
Узрли сабабларга кўра иштирок этмаётганлар - _____ нафар

Раислик қилувчи: _____

КУН ТАРТИБИ:

1. _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилотини тузиш тўғрисида.
2. _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилотчисини сайлаш тўғрисида.
3. _____ -отряд аъзоларини касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш тўғрисида.
4. _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилотини Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси _____ туман кенгашига аъзо бўлиши тўғрисида.

Эшитилди: _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилотини тузиш тўғрисида.

Отрядда касаба уюшмаси ташкилотини тузиш, шу орқали отряд аъзоларининг манфаатларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадга мувофиқлиги, бу, ўз навбатида, нафақат отряд аъзолари, балки иш берувчи учун ҳам қулайликлар туғдириши, меҳнат унумдорлигининг ошишига хизмат қилиши қайд этилди.

Отрядда касаба уюшмаси ташкилотини тузиш юзасидан отряд аъзолари ҳам ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, ушбу ташаббусни қўллаб-қувватладилар.

Қарор қилинди:

1. _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилоти тузилсин.

Эшитилди: _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилотчисини сайлаш тўғрисида.

Отряд ташкилотчисини сайлаш юзасидан отряд аъзолари ўз фикр-мулоҳазаларини билдириб, _____ номзодини қўллаб-қувватладилар.

Қарор қилинди:

1. _____ _____ -отряд касаба уюшмаси ташкилотчиси этиб сайлансин.

2. Касаба уюшмаси ташкилотчиси _____ га:

отряд аъзолари номидан отряд раҳбари ва пахта-тўқимачилик кластерлари, кооперациялар ва фермер хўжаликлари раҳбарлари билан жамоа музокараларини олиб бориш ҳамда меҳнатга ҳақ тўлаш, муносиб меҳнат шароитларини яратиш, озиқ-овқат ва ичимлик суви билан таъминлаш каби масалаларни ҳал этиш юклатилсин.

Кун тартибидаги 3-масала бўйича эшитилди: _____-отряд аъзоларини касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш тўғрисида.

Қарор қилинди:

1. _____-отряд аъзоларинининг касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилиш тўғрисидаги аризалари кўриб чиқилиб, улар пахта йиғим-терими мавсуми даврига Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасига аъзоликка қабул қилинсинлар.

Эшитилди: _____-отряд касаба уюшмаси ташкилотини Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси _____ туман кенгашининг касаба уюшмаси хизматига олиниши тўғрисида.

Қарор қилинди:

1. Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси _____ туман кенгашидан янги тузилган касаба уюшмаси ташкилотини касаба уюшмаси хизматига олиш, терим пулларида аъзолик бадалларини терим мавсумидаги иш ҳақидан ушлаб қолишни иш берувчи ва банк муассасаси билан ҳал қилиш ҳамда ушбу аъзолик бадаллари ҳисобидан касаба уюшмаси ташкилотчисига энг кам меҳнат ҳақи миқдоригача ойлик рағбатлантириш тўланишини таъминлаш сўралсин.

2. Мазкур баён Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси _____ туман кенгашига йўллансин.

Раислик қилувчи

(фамилия, исм, шарифи)

Котиб

(фамилия, исм, шарифи)

2021 йил пахта ҳосилини нес-нобуд
қилмасдан уюшқоқлик билан йиғиб-териб
олишни ташкил этиш бўйича Тавсияларга
б-илова

_____ -отряд касаба уюшмаси
ташкилотчисига
отряд аъзоси _____
_____ дан

АРИЗА

Мени Ўзбекистон Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси аъзолигига вақтинчалик икки ой муддатга қабул қилишингизни сўрайман ва менга 2021 йил пахта ҳосилини териб олиш учун тўланадиган ҳақдан 1% миқдоридаги касаба уюшмасига аъзолик бадалини бухгалтерия орқали ушланиб, касаба уюшмаси туман кенгашининг ҳисоб рақамига ўтказиб берилишига розиман.

(фамилия, исм, шарифи)

(имзо)

(сана)

Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатиغا йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторинглар ўтказиш тартиби тўғрисида вақтинчалик

НИЗОМ

1-боб. Умумий қоидалар

1. Ушбу вақтинчалик Низом (кейинги ўринларда “Низом” деб аталади) мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатиغا йўл қўймаслик борасида ваколатли ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан олиб бориладиган мониторинглар ўтказиш тартибини белгилайди.

2. Ушбу Низомда қуйидаги асосий тушунчалардан фойдаланилади:

мажбурий меҳнат – ҳар қандай жисмоний шахсдан, ўз ихтиёри билан ўз хизматини таклиф қилмаганлиги ёки бажармаганлиги учун унинг ҳуқуқлари ва имтиёзларидан чекланишида ифодаланадиган жазолаш таҳдиди остида талаб қилинадиган, вазифасига (мажбурияти ёки бурчига) кирмайдиган ҳар қандай иш ёки хизмат;

болалар меҳнати – ўн саккиз ёшга тўлмаган шахсларнинг меҳнатидан унинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ҳамда таълим олиш жараёнини бузадиган ишларда фойдаланиш;

мониторинг – ваколатли ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан қонун ҳужжатлари ва ушбу Низомда белгиланган тартибда мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини олдини олиш мақсадида мулкчилик шаклидан қатъи назар барча шаклларидаги корхоналар, муассасалар, ташкилотларга (кейинги ўринларда ташкилот деб аталади) ва жисмоний шахсларга тегишли бинолар ва ҳудудларда, жамоат транспорт воситаларида, кўча ва дала майдонларда ўтказиладиган кузатувлар ва ўрганишлар.

2-боб. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатиغا йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторингларнинг мақсад ва вазифалари

3. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатиغا йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторингларнинг мақсади бирор-бир шаклда мажбурий меҳнатдан ёки болалар меҳнатидан фойдаланиш билан боғлиқ хавф-хатарни

ўз вақтида аниқлаш ва бартараф этиш орқали ходимларнинг кафолатланган меҳнат ҳуқуқларини таъминлашдан иборат.

4. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторингларнинг вазифалари:

мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатини олдини олиш;

мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати билан боғлиқ қонун ҳужжатлари бузилиши ҳолатларини таҳлил қилиш ва уларни содир этиш шарт-шароитларини бартараф қилиш бўйича аниқ чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

фуқароларнинг эркин меҳнат қилишга оид ҳуқуқларини ҳимоя қилиш;

мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати бўйича иш берувчилар, ходимлар ва бошқа фуқароларнинг ҳуқуқий онгини ошириш юзасидан тушунтириш ишларини амалга ошириш.

3-боб. Мониторинг ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахслар

5. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича инсон ҳуқуқларини, шу жумладан меҳнат ҳуқуқларни ҳимоя қилиш вазифасига кирадиган, қонун ҳужжатларига асосан ваколат берилган қуйидаги ташкилотлар ва мансабдор шахслар томонидан мониторинглар ўтказилади:

Ўзбекистон Республикаси Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги Давлат меҳнат инспекцияси томонидан доимий равишда “Ягона миллий меҳнат тизими” идоралараро дастурий-аппарат комплексидаги маълумотлар, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган маълумотлар асосида;

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан юқори турувчи ташкилотлар топшириқлари ижроси юзасидан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган маълумотлар асосида;

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги томонидан режа, чора-тадбирлар ва топшириқлар ижроси юзасидан ҳамда жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган маълумотлар асосида;

нодавлат нотижорат ташкилотлар жамоатчилик мониторинги дорасида қонун ҳужжатлари асосида;

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг депутатлари ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг сенаторлари – парламент назорати доирасида;

прокуратура органлари меҳнат тўғрисидаги қонунларнинг аниқ ва бир хил ижро этилиши устидан назорат олиб бориш юзасидан;

Ўзбекистон Республикасининг ваколатли органи билан Халқаро меҳнат ташкилоти (кейинги ўринларда ХМТ деб аталади) ўртасида тасдиқланган лойиҳалар бўйича ХМТ эксперт ва мутахассислари.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг, Ўзбекистон Республикаси Президентининг, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг норматив ҳуқуқий ҳужжатларида, дастурларида ва топшириқларида ҳамда Одам савдосига ва мажбурий меҳнатга қарши курашиш миллий комиссиясининг қарорларида, дастурларида ва топшириқларида кўрсатилган давлат органлари томонидан ҳам мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича ушбу Низомда белгиланган тартибда мониторинг ўтказилиши мумкин.

Юқори турувчи ташкилот томонидан тизимидаги ташкилот ва бўлинмаларида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича махсус инспекциялари орқали ушбу Низомда белгиланган тартибда мониторингларни амалга ошириши мумкин.

6. ХМТ эксперт ва мутахассислари мониторингларни амалга оширишда давлат органлари ва нодавлат ноижорат ташкилотлар ҳамда Ўзбекистон Республикаси фуқаролари (ҳуқуқ ҳимоячилари) билан ҳамкорлик қилиши мумкин.

7. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича мониторинг ўтказиш ҳуқуқига эга бўлган ташкилотлар ва мансабдор шахслар мониторингларни алоҳида ёки биргаликда амалга ошириши мумкин.

8. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида олиб бориладиган мониторинглар текшириш ҳисобланмайди.

9. Оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларда эълон қилинган маълумотларда, жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатларида, маълум бир ҳудудда ёки соҳада (ташкилотларда) мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати содир этилаётганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд бўлса, мурожаат ёки маълумот аноним бўлган тақдирда ҳам ушбу ҳудуд ёки соҳада мониторинг ўтказилиши мумкин.

10. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик борасида маълум бир ҳудудда доимий равишда мониторингларни ўтказиш хизмат вазифасига кирадиган мансабдор шахсларга мониторинг ўтказиши учун алоҳида қарор, буйруқ ёки топшириқ талаб этилмайди. Бошқа ҳолларда мониторинг ўтказиш учун ваколатли мансабдор шахснинг қарори, буйруғи ёки бошқа топшириқ кўрсатилган расмий ҳужжат мониторинг ўтказишга асос бўлади.

11. Мониторинглар мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати содир этилиши хавф-хатари кўп бўлган соҳа ва ҳудудларда доимий равишда ўтказилади.

4-боб. Мониторинг ўтказиш тартиби

12. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатига йўл қўймаслик бўйича мониторинглар куннинг исталган вақтида ташкилотлар ва жисмоний шахсларга тегишли бинолар ва ҳудудларда, кўча ва дала майдонларда ўтказилади.

13. Фуқароларнинг турар жойларида мониторинг ўтказиш фақат турар жой эгасининг розилиги асосида ўтказилиши мумкин.

14. Ҳарбийлаштирилган муассасалар, жазони ижро этиш муассасалари ва қонун ҳужжатларига асосан бегона кишилар кириши тақиқланган биноларда ҳамда ҳудудларда мониторинг тегишли рухсат олинганда ўтказилади.

15. Мониторингни амалга оширувчилар қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мониторинг ўтказиладиган ҳудудларни, дала майдонларларни, бино ичкариси ва ташқарисини кўздан кечириш;

фуқаролар билан, шунингдек ташкилотларнинг раҳбарлари ва ходимлари билан (алоҳида) суҳбатлар ўтказиш ва зарур бўлганда тушунтиришлар олиш ҳамда улар ўртасида ижтимоий сўровномалар ўтказиш, шу жумладан телефон ёки ижтимоий тармоқлар орқали ижтимоий сўровномалар ўтказиш;

мониторингни самарали ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни талаб қилиш;

мониторинг жараёни билан боғлиқ зарур ҳужжатлардан нусха олиш;

мониторинг давомида шахсларнинг розиликлари асосида махсус техника воситаларини (аудио- ва видеоёзув, шунингдек фотосуратга олиш) қўллаш;

ваколатлари доирасида аниқланган қонун бузилишларни баргараф этиш тўғрисида бажарилиши мажбурий бўлган кўрсатмалар бериш;

аниқланган қонун бузилишлар тўғрисидаги Давлат меҳнат инспекциясига, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга хабар бериш;

қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

16. Мониторингни амалга оширувчилар мониторинг жараёнида қуйидагиларга мажбур:

ташкilotларда мониторинг ўтказилаётганда ташкilot раҳбариятига, тураржой ёки нотураржойда мониторинг ўтказилаётганда тураржой ёки нотураржой эгасига мониторинг ўтказишга асос бўлувчи зарур ҳужжатларни тақдим этиш;

ташкilotларнинг ишлаб чиқариш жараёнларига ҳалақит бермаслик;

ташкilotларнинг молия-хўжалик фаолиятига аралашмаслик;

мажбурий меҳнат ёки болалар меҳнати ҳақида хабар берган шахсни ҳамда болалар меҳнати жабрдийдасининг шахсига оид маълумотларни ошкор этмаслик (мониторинг жараёнлари тугагандан сўнг ёки мониторингни амалга оширган мансабдор шахслар лавозимдан озод этилгандан кейин ҳам);

мониторинг натижалари тўғрисида маълумотнома тузиш, агар махсус техника воситаларидан фойдаланилган бўлса, бу ҳақида маълумотномага ёзув киритиш;

мониторинг давомида мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати содир этилаётганлиги аниқланса, ушбу қонун бузилишни дарҳол бартараф этиш чоралари кўриш;

мониторинг жараёнида аниқланган қонун бузилиш ҳолатлари ҳақида тегишлилиги бўйича Давлат меҳнат инспекцияси ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга ҳамда юқори турувчи органларга хабар бериш.

Мониторингни амалга оширувчиларга қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

17. Мониторинг ўтказилаётган ташкilot раҳбари (тураржой ёки нотураржой жой ёхуд дала майдон эгаси) қуйидаги ҳуқуқларга эга:

мониторингни амалга оширувчилардан уларнинг хизмат гувоҳномаси ва мониторингни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларни талаб қилиш, агар шундай ҳужжат бўлиши кераклиги мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган бўлса;

мониторинг ўтказишга ҳуқуқи бўлмаган ёки мониторинг ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларга эга бўлмаган шахсларнинг мониторинг ўтказишига йўл қўймаслик;

мониторингни амалга оширувчиларнинг ваколатига кирмайдиган масалаларга оид талабларини бажармаслик ва мониторинг предметига тааллуқли бўлмаган материалларни тақдим этмаслик;

мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотноманинг нусхасини беришни талаб қилиш;

мониторинг ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларни тақдим этмаганлик, мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотнома мазмуни ва мониторингни амалга оширувчилар томонидан мониторинга алоқадор

бўлмаган ҳар қандай қўшимча кўрсатмалар бериш юзасидан юқори турувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судга шикоят қилиш.

Мониторинг ўтказилаётган ташкилот (тураржой ёки нотураржой жой ёхуд дала майдон эгаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

18. Мониторинг ўтказилаётган ташкилот раҳбари (тураржой ёки нотураржой жой ёхуд дала майдон эгаси) қуйидагиларга мажбур:

агар шундай ҳужжат бўлиши кераклиги мазкур Низомнинг 5-бандида назарда тутилган бўлса мониторинг ўтказиш ҳуқуқини берувчи зарур ҳужжатларга эга бўлган мониторингни амалга оширувчиларни ташкилот (тураржой ёки нотураржой жой ёхуд дала майдон эгаси) ҳудудига киритиш;

мониторингни амалга оширувчиларнинг қонуний талабига биноан мониторинг ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш;

мониторинг жараёнига халақит бермаслик, мониторингни амалга оширувчиларга мониторингни самарали ўтказиши учун шарт-шароитлар яратиш;

мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотномада кўрсатилган қонун бузилиш ҳолатларини ўз вақтида бартараф этиш чораларини кўриш.

Мониторинг ўтказилаётган ташкилот (тураржой ёки нотураржой жой ёхуд дала майдон эгаси) қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

19. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан (болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) жабрланган ёки гувоҳи бўлган фуқароларнинг ҳуқуқлари:

мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати ҳақида мурожаат этиш ёки хабар бериш ҳамда унинг шахсига оид маълумотларни ошкор қилмасликни талаб қилиш;

мониторингни амалга оширувчилардан уларнинг хизмат гувоҳномаси ва мониторингни ўтказишга асос бўладиган ҳужжатларни талаб қилиш;

мониторингни амалга оширувчиларга тегишли тушунтиришлар бериш, мониторинг жараёнларида иштирок этиш;

мониторингни амалга оширувчиларга мониторинга алоқадор бўлган маълумотларни тақдим этиш;

мониторинг жараёнида махсус техника воситалардан фойдаланишга рухсат бермаслик;

мониторинг натижалари тўғрисидаги маълумотларга эга бўлиш;

мониторингни амалга оширувчиларнинг ҳаракатлари, мониторинг натижалари юзасидан юқори турувчи, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва судга шикоят қилиш.

Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан жабрланган ёки гувоҳи бўлган фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлиши мумкин.

20. Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан жабрланган (болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) ёки гувоҳи бўлган фуқаролар қуйидагиларга мажбур:

мониторингни амалга оширувчиларга тушунтириш беришда ҳаққоний кўрсатмалар бериш;

мониторингни амалга оширувчиларнинг қонуний талабига биноан мониторинг ўтказиш билан боғлиқ зарур ҳужжатлар ва бошқа ахборотларни ўз вақтида тақдим этиш;

мониторинг жараёнига халақит бермаслик, ҳақиқатни аниқлашга оид далилларни йўқ қилмаслик, мониторингни амалга оширувчиларга мониторингни самарали ўтказиши учун кўмаклашиш;

мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан жабрланганларни шахсига оид маълумотларни уларнинг (болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахсларнинг) розилигисиз ошкор этмаслик.

Мажбурий меҳнат ва болалар меҳнатидан (болаларнинг ота-онаси ёки уларнинг ўрнини босувчи шахслар) жабрланган ёки гувоҳи бўлган фуқаролар қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа мажбуриятлар ҳам юклатилиши мумкин.

21. Мажбурий меҳнатга йўл қўймаслик бўйича мониторинг ўтказиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилади ва аниқланади:

жисмоний шахсга, унинг ихтиёрий розилиги бўлмаган меҳнат фаолиятини ҳамда меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қилаётган меҳнат шаклларини амалга оширишга мажбур қиладиган ҳар қандай моддий, жисмоний ёки руҳий таъсир чораларини қўлланилиши натижасида мажбурий меҳнат кўрсаткичлари алдаш, ҳаракатни чеклаш, ажратиб қўйиш, жисмоний ва жинсий зўравонлик, қўрқитиш ва таҳдидлар, шахсни тасдиқловчи ҳужжатларни олиб қўйиш, иш ҳақидан ушлаб қолиш, манфаатни суистеъмол қилиш, қарз асосидаги қарамлик, таҳқирловчи яшаш ва меҳнат шароитлари, ҳуқуқларни ва имтиёзлардан маҳрум қилиш ҳолатлари;

ходимлар билан меҳнат шартномалар тузишда ва уларнинг меҳнат вазифаларини белгиловчи локал ҳужжатларда ходимнинг меҳнат вазифаси доирасига кирмайдиган меҳнат ҳуқуқларини амалга оширишга тўсқинлик қиладиган меҳнатнинг шаклларини белгиланмаганлиги;

агар мажбурий меҳнатга йўл қўйилган ҳолатлар аниқланган бўлса, ушбу мажбурий меҳнат унинг ташаббуси билан ёки юқори турувчи ташкилот ёхуд бошқа мансабдор шахснинг топшириғи билан амалга оширилганлиги;

мажбурий меҳнатдан жабрланганлар сони, уларга етказилган зарарлар;
мажбурий меҳнат содир этилган вақт;

мажбурий меҳнатга гувоҳ бўлган фуқаролар (агар мавжуд бўлса);

мажбурий меҳнатни келиб чиқиш сабаблари;

ва бошқа мажбурий меҳнат ҳолатини аниқлаш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилишида айбини исботловчи далиллар мавжудлиги.

22. Болалар меҳнати бўйича мониторинг ўтказиш жараёнида қуйидагиларга эътибор қаратилади ва аниқланади:

қонун ҳужжатларига асосан болалар меҳнатидан уларнинг соғлиғига, хавфсизлигига ёки ахлоқ-одобига зиён етказиши мумкин бўлган ишларда фойдаланиш тақиқланган ишларда фойдаланишга йўл қўйилмаганлиги;

болалар меҳнатидан таълим олиш жараёнини бузмайдиган ишларда фойдаланилиши;

иш вақтининг муддати ҳафтасига ўттиз олти соатдан ошмайдиган ўн олтидан ўн саккиз ёшгача бўлган вояга етмаганлар, ҳафтасига йигирма тўрт соатдан ошмайдиган ўн бешдан ўн олти ёшгача бўлган вояга етмаганлар меҳнатидан фойдаланишга йўл қўйилмаслиги;

агар болалар меҳнатига йўл қўйилган ҳолатлар аниқланган бўлса, ушбу болалар меҳнати унинг ташаббуси билан ёки юқори турувчи ташкилот ёхуд бошқа мансабдор шахснинг топшириғи билан амалга оширилганлиги;

болалар меҳнатидан жабрланганлар сони, уларга етказилган зарарлар;

болалар меҳнати содир этилган вақт;

болалар меҳнатига гувоҳ бўлган фуқаролар (агар мавжуд бўлса);

болалар меҳнاتини келиб чиқиш сабаблари;

ва бошқа болалар меҳнати ҳолатини аниқлаш ҳамда айбдор шахсларга нисбатан тегишли чоралар қўлланилишида айбини исботловчи далиллар мавжудлиги.

5-боб. Ахборот алмашишдаги ҳамкорлик

23. Мониторингни амалга оширган ташкилотлар ёки мансабдор шахслар мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати ҳолатлари аниқланганда, бу ҳақида Давлат меҳнат инспекциясига, вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссияга ёки ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга тегишли ҳужжатларни тақдим этиши керак.

24. Мониторингни амалга оширган ташкилотлар ёки мансабдор шахслар мониторинг натижалари бўйича таҳлилларни амалга оширувчи ва тегишли чора-тадбирларни бегиловчи масъул ташкилотларга уларнинг сўровига кўра таҳлилий маълумотларни тақдим этиши лозим.

25. Мониторингни амалга оширган ташкилотлар ёки мансабдор шахслар ўзаро мажбурий меҳнат ва болалар меҳнати содир этилганлиги ёки содир этилаётганлиги ҳақидаги маълумотларни ёхуд мониторинг натижалари бўйича маълумотларни алмашиши мумкин.